



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 ноябрь, пайшанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 226 (974)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ УЧ КУНЛИК СЕМИНАР-КЕНГАШИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ

тиришга доир вазифалар тўғрисида ахборот бердилар.

Депутатликка номзодларга, уларни номзод этиб кўрсатган сиёсий партиялар ҳамда ҳокимликнинг вакиллик органларига сайловолди ташвиқоти ўтказиш учун вақтда матбуотда телевидение ва радиода тенг имкониятлар яратиб берилишига алоҳида эътибор қилинди. Ташвиқот ишларини олиб боришда ахборотларнинг ҳолиси ва ишончли бўлиши, Олий мажлис депутатлигига номзодларнинг ўзаро бир-бирларига ҳурматда бўлишларини таъминлаш муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари олдида тажриба алмашиш тарихисидан сўзга чиққан «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг Самарқанд вилоят бўлими раҳбари А. Мелиев, Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Юсупов, округ сайлов комиссияларининг раислари: Сирдарё вилоятидан -- А. Ҳамидов, Фарғона вилоятидан -- Ш. Муҳаммадиев, Тошкент шаҳридан -- К. Юлдашев сайловларга тайёргарлик қилиш бўйича ўз иш тажрибалари, қўндаланг бўлаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида гапириб бердилар, қўндаларни чуқурроқ ўрганиш, сайлов тўғрисидаги қўнун ҳужжатларининг

нинг айрим қоидалари ва нормаларини тўғри шарҳлаб бериш зарурлигини таъкидладилар. Семинар қатнашчиларининг Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияларидаги секциялар бўйича иш якунлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Округ ва участка комиссияларининг ишини ташкил этиш, қўнунда қўзда тутилган сайлов тадбирларини амалга оширишдаги ваколатлари ҳусусида, сайловчиларнинг муносабатларини амалий тарзда қўриб чиқиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъмин этиш тўғрисида кенг қўламда фикр алмашилди. Сайловчилар билан изчил иш олиб бориш зарурлиги, сайловчиларнинг рўйхатларини тўғри тузиш, бу муҳим ишга турар жойлардаги, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ишончли ҳамда яхши тайёргарлик қўрган фаол кишиларни жалб этиш зарурлиги округ сайлов комиссиялари раисларининг алоҳида эътибори қаратилди. Сайловларда илк бор иштирок этаётганларга ғамхўрлик қўриштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Тошкент шаҳрининг Миробод, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларида бўлиб ўтган секция машғулотлари катта амалий фойда берганини қайд



СУРАТДА: семинар-кенгаш иштирокчилари.

этиб ўтилди. Секция машғулотлари пайтида сайлов комиссиялари ишни ташкил этиш, сайлов ҳужжатларини расмийлаштириш участка комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш ва сайлов якунларини чиқаришга тааллуқли кенг қамровли маълумот муҳома қилинди. Семинар қатнашчиларига сайлов комиссияларининг иши мазмунини ёритиб беришни стандарт

лар, сайловлар ҳужжатларининг намуналари ва яширин овоз бериш хоналари билан таништириш имконияти берилди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси К. Аҳмедов семинар-кенгаш қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди. Худди шундай иш жойларда участка сайлов комиссиялари билан ҳам ўтказилса деган истак билдирилди.

(ЎЗА).

«СОВГА» ЛОТЕРЕЯСИ ЧИҚАРИЛАДИ

16 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилда «Совга» пул-буюм лотереясини чиқариш тўғрисидаги қарорини амалга оширишга бағишланган йилги бўлиди. Уни Республика Бош вазир А. Муталов бошқарди.

Йилгишда тегишли вазирликлар, ташкилотлар, банклар раҳбарлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Мажлисида республикада пул муомаласини мустақамлаш мақсадида «Совга» пул-буюм лотереясини чиқариш, уни аҳолига сотиш бўйича жойларда тарғибот ишларини амалга ошириш, ютуқларнинг вақтида берилиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш масалалари муҳома этилди.

Йилгишда Республика Бош вазирининг ўринбосарлари М. Усмонов ва Ю. Пайгин қатнашди.

МАҚСАД -- ҚУРИЛИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон саноат ва ҳўжалик қурилиши -- «Ўзсаноатҳўжаликқурилиш» давлат корпорациясида 15 ноябрь куни «стандартлаштириш, сертификатлаш, лицензия ва анги қурилиш материалларини татбиқ этиш масалалари» мавзuida республика семинари бўлиб ўтди. Унда республика давлат қўмиталари, тегишли илмий талқиот ҳамда лойиҳалаш институтлари ва макур корпорация таркибидagi бирлашма, завод ва трест вакиллари иштирок этди.

Бозор муносабатларига мос, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш долзарб вазифага айланаётган бутунти кунда аҳоли ҳамда ташкилотлар учун бино ва иншоотлар барпо этаётган қурилиш муассасаларида сифатли, айна пайтда, жаҳон талабларига мос иш бажариш талаб қилинмоқда. Республика семинарида маҳсулот сифатини стандартлаштириш, сертификат ва лицензия олиш билан боғлиқ жараён, қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш ҳисобига ҳомашё ва қилги-энергия ресурсларини тежаш масалалари муҳома этилди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ВА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика металлургия саноатини ривожлантиришда, зўлдил прокат станини қуриб, ўз вақтида ишга туширишда юқори меҳнат самардорлигига эришгани, топширилган ишга ижодий ёндашиб, фидокорона хизмат қилаётгани ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ

Дранияков Анатолий Васильевич -- Ўзбекистон металлургия заводининг навли металлни ёйиш цехи бошлиғи

Кишкань Любовь Ивановна -- Ўзбекистон металлургия заводининг капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари

Рустамов Қодир Хусанович -- Ўзбекистон металлургия заводи навли металлни ёйиш цехининг бошқарув пости оператори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАҲРИЙ ЁРЛИҒИ

Алимов Ўқтамбой Очилович -- Ўзбекистон металлургия заводи капитал қурилиш бошқармаси бюросининг муҳандиси

Гвоздянский Владимир Петрович -- «Прокатмонтаж» бирлашмаси ишга тушириш-созлаш бошқармасининг етакчи муҳандис-созловчиси

Иванова Эльмира Сейтахалиевна -- Ўзбекистон металлургия заводи капитал қурилиш бошқармаси бюросининг бошлиғи

Эрматов Раймжон Ҳамдамович -- «Ўзэлектромонтаж» трестининг Чирчиқ монтаж бошқармаси электр монтажчиси

Ли Аркадий Илларионович -- Ўзбекистон металлургия заводи навли металлни ёйиш цехи электр техник

Примаков Алексей Иванович -- «Энергия» давлат кичик корхонаси установа бошлиғи

Хван Владимир Семенович -- Ўзбекистон металлургия заводи энергия таъминоти бош энергетигининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 16 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. Н. ХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING ЭРОН ИСЛОМ
РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА
МУҲТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Эркин Норматович Хўжаев Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислам Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 16 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. Н. ХЎЖАЕВГА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING ФАВҚУЛОДДА ВА
МУҲТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТИК
МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Эркин Норматович Хўжаевга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 16 ноябрь.

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Марказий Осиё халқларини қадимдан дўстлик ришталари боғлаб туради. Ана шу абадий инқилик бу минтақа давлатлари мустақиллигини қўлга киритган ҳозирги шароитда ўзгача аҳамият касб этмоқда. Бунда, шак-шубҳасиз, шу мамлакатлар раҳбарларининг ҳиссаси ниҳоятда катта.

Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги аъзолари -- Аслон Назаров ва Ҳанифа Турсунова оиласида қувончли воқеа рўй берди. Ойида бирданига 3 ўғил дунёга келди. Бу қўшалоқ фарзандларга яхши ният билан Ислам, Асқар, Нурсултон дея Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон Президентларининг исмлари қўйилди. Бу эса Марказий Осиё халқларининг қардошлиғи ҳар бир оила орауумидарига ҳамоҳанг эканлига яна бир ёрқин мисолдир.

(ЎЗА).



Кеча, 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг уч кунлик ишчи семинар-кенгаши ниҳоясига етди.

Семинар-кенгаш ишнинг охириги кунини Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг чиқишлари билан бошланди. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари З. Ҳакимов, Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р. Шогуломов, «Халқ сўзи» ва «Нордное слово» газеталарининг Бош муҳаррири А. Жўрабев семинар қатнашчиларига сайлов компаниясининг боришини ёритиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида, сайлов ҳужжатларини ўз вақтида нашр этиш ҳақида, сайловолди ташвиқотини ўтказиш, сайловга оид қўнун ҳужжатларининг асосий қоидаларини тушу-

Сўз -- семинар-кенгаш қатнашчиларига

Эркин ОТАМУРОВОВ,
Янгибозор туманидаги 217-
сайлов округи комиссияси
раиси.

-- Уч кун давом этган семинар-кенгашдан биз жуда кўп нарса олдик. Кеча секцияларга бўлиниб, Тошкент шаҳридаги сайлов округларининг иш тажрибаси билан танишганимизда яна бир қатор саволларга ойдинлик киритишга муваффақ бўлдик.

Ҳозир, биздаги мавжуд 17 та сайлов участкасида тайёрланган ишлари амалга ошириляпти.

Ҳар бир номзодга бир хилда шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг тарғиботи, жойлардаги жонли мулоқотларда бош-қош бўлиш, қўсқаси номзодларни тенг қўйиш буғалги сайловнинг асосий талаби бўляпти.

Сайловчилардан асосий тушайтган саволлар: «Мустақил давлатимизнинг янги парламенти қандай иш юритяпти?» деган мазмунда. Биз бу саволга жавоб бериш учун бирдан қайтган, номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувларини ўтказамиз. Шу мақсадда ту-

мандаги қурилиш ташкилотлари, автокорхоналар ҳар бир сайлов участкасини ўз оталиғига олган. Улар навбатманавбат сайлов участкаларини транспорт воситалари билан таъминлаб туришади.

25-декабрда бўладиган сайловда ҳар бир одам шахсан ўзи муносиб номзод учун овоз беришга эришувимизга имоним комил.

Чори ЖУМАЕВ, Қашқадарё вилояти Қамани тумани 222-сайлов округи комиссияси раиси:

-- Ушбу семинар-кенгашдан келгусидаги фаолиятимизга дахлдор ҳамда асқотадиган жуда кўп фойдалар масалаҳатлар олдик. Мазкур анжуманнинг 25-декабрь кунини бўладиган сайловларни муваффақиятли ҳамда демократик руҳда ўтқишда муҳим роль ўйнаши шубҳасиздир.

Сайловнинг қўнғилдагидек ўтиши кўп жиҳатдан сайлов округи ва унинг таркибидagi сайлов участкаларига боғлиқ. Мен мазкур сайлов онгли тарзда, фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдаланган ҳолда ўтиши тарафдориман. Бунинг учун бизда барча шарт-шароит етарли. Зеро, у мамлақати-

мизнинг тараққиёт сари жадал одим ташлаши ҳамда фаровонлашувининг энг муҳим омилларидан биридир.

Жойлардаги сайлов округи раислари ушбу кенгашдан кейин ўз ишларига янада талабчан ҳамда маъсулиятли бўлишларига ишонаман.

Неъматжон АБДУЛЛАЕВ, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри 178-сайлов округи комиссияси раиси:

--Мамлақатимиз тарихида бундай семинар-кенгаш илгари ҳеч қачон бўлмаган. Унда, айниқса, чет эллик вакилларнинг ҳам фаол иштирок этганлиги биз қатнашчилар учун фойдалан ҳоли бўлмади.

Сайлов мамлақатимиз ҳаётидаги энг катта ижтимоий ва сиёсий тадбирлардан бири ҳисобланади. Шундай экан унга ҳеч қим бефарқ қарамаслиғи керак.

Айни пайтда мен раислик қилаётган сайлов округида сайловга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар тўла-тўқис ҳал қилинган. Барча сайлов участкаларида сайловчилар учун шарт-шароит муҳайё. Сайловчилар ундан ўзларини қизиқтирган саволларга истаган вақтда кераклича

маълумот олишлари мумкин. Раҳматулло БОБОЕВ, Навоий вилояти Навоий шаҳри 76-сайлов округи комиссияси раиси:

--Семинар-кенгашнинг иккинчи иш кунинда участка секцияга бўлиниб, Тошкент шаҳрининг округ сайлов комиссиялари иш тажрибаси билан танишилди.

Маълумки, ўзаро тажриба алмашувлар кўп ҳолларда яхши самара беради. Биз тошкентликларнинг сайлов билан боғлиқ иш юритиш тажрибасидан жуда кўп нарсаларни ўргандик. Жойларда ташкил қилинган кўргазмалар семинарлар ҳам сайловнинг муваффақиятли ўтишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Сайловни бекаму қўст ва янада муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан номзодларга боғлиқ. Мен сайловда номзодлар бир-бирларига шарқона лўф ва такаллўф билан муносабатда бўлишларини истайман.

Толибжон ОБИДОВ, Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги 122-Улутбек сайлов округи комиссияси раиси:

-- Ушбу семинар-кенгашнинг ташкил этилиши айна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1994 йил 16 ноябрь кунини бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюталари операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ун иккита банки иштирок этди. Сотув ҳажми 5,50 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 23,0 сум даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 17 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади *)

1 Австралия доллари	17,25
1 Австрия шиллинги	2,11
1 Англия фунт стерлинги	36,21
10 Бельгия франки	7,19
1 Голландия гульдени	13,20
10 Греция драхми	0,96
1 Дания кронаси	3,79
1 АҚШ доллари	23,00
1 Миср фунти	6,78

1 Ирландия фунти	35,50
1 Испания кронаси	0,34
10 Испания песети	1,78
100 Италия лираси	1,45
1 Канада доллари	16,85
1 Кувейт динари	77,00
100 Ливан фунти	1,39
1 Германия маркasi	14,80
1 Норвегия кронаси	3,38
10 Португалия эскудosi	1,45
1 Сингапур доллари	15,61
1000 Туркия лираси	0,63
1 Финляндия маркasi	4,87
1 Франция франки	4,31
1 Швеция кронаси	3,12
1 Швейцария франки	17,58
1 ЭКЮ	28,18
10 Япония нeнаси	2,33
1000 Россия рубли	7,35
1 Эстония кронаси	1,90
1000 Украина карбованeци	0,27

1 Латвия лати	42,51
1 Литва лати	5,75
1 Қозоғистон тенгеси	0,46
1 Молдова лейи	5,43
1000 Беларусь рубли	3,01

*) -- Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки макур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мабурийятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 17 ноябрдан бошлаб махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

-- Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари -- 23 сум;

-- Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари -- 23 сум.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан воситачилик ҳақи олинади.

Ҳамкорлик

Янги йилгача 100 МИНГ БОШГА ЕТАДИ

УРГАНЧ туманидаги бройлер ва Шовотдаги паррандачилик корхоналари Исфилчининг «М. А. Д.» фирмаси билан тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ қўсқа-товуқ ўстиришга ихтисослашди.

Узоқ Исфилчиндан келтирилган қўсқа-товуқ тухумлари кунини кеча соғиб бройлер-паррандачилик фабрикасида жўжа очди. Шовот паррандачилик корхонаси инкубаториясига ҳам дастлабки 20 минг донга тухум қўйилди.

Қайта ихтисослаштириш туғайли тarmoқ бутун-эрта яна истиқболга юз тутди. Бу соҳадagi тажрибаларнинг кўрсатишича, қўсқачилик чорвачилигининг энг самарали, сердаромад тармоқларидан. Очирилган жўжалар тез семирб, 3-4 ойдаёқ 6-8 килограммдан тош босади.

Базилари, ҳатто, 25-30 килограммгача ўшиб беради. Ваҳоланки, энг сара товуқ ҳам нари бoрса 2,5-3 килограммгача, ферма шароитида эса 1,5-2 килограммгача семиради, ҳоло. Қўсқа ўғити ва тухумидан тeнecиқ таомлар тайёрланади. Паррандаларни боқиб семиртириш учун Сафланадиган озуқа ва маблаг ҳам нисбатан оз.

Эндиги ният қўсқалар сонини янаги йилгача камид 100 минг, келгуси йил охиригача эса миллион бошта етказиш, бу билан аҳолининг тўғилми ва парҳeз гўштга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, меҳнатқилар хонадонлари, жамоа ҳўжаликлари ва ҳуcуний ҳиссдорлик фермаларида ҳам парранданинг ана шу фойдали тури боқилишини нўдга қўйишдан иборат.

С. АБДУЛЛАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

25-декабрь -- Сайловлар куни

Биз яшаётган давр йирик сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар давридир. Республикамиз ўз мустақиллигининг уч йиллигини тантанали нишонлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Тарихий нуқтаи назардан қараганда, бу катта вақт эмас. Бироқ, ана шу қисқа муддат ичида муҳим воқеалар юз берди. Бу воқеалар бизда ўз кучимизга, чинакам истиқлолга эришиш, Ватанимизнинг буюк келажagini барпо этиш йўлидаги ишмизнинг олийжаноблигига ишонч ҳосил қилишимиз учун имкон берди.

Шу қисқа тарихий давр ичида жамиятимизни демократиялаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини очиб берадиган бир қанча асосий қонунлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида чиқарилган сайлов тўғрисидаги бир туркум қонунлар, хусусан, Олий Кенгаш 1993 йил 28 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун шулар жумласидандир.

Маълумки, Олий Кенгашнинг XVI сессияси шу йил 23 сентябрда давлатимизнинг энг юқори ҳокимият органи -- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Сайлов 25 декабрда тайинланган, бинобарин вақт оз қолмоқда. У юксак даражада, Қонун талабларига тўла мос ҳолда ўтиши учун ҳамма ишларни амалга оширишимиз керак. Шунинг билан бир қанча гўят муҳим янги ҳусусиятларга эга. У, энг аввало, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга бевосита мутасадди бўлган кишилардан, яъни Марказий, округ ва участка сайлов комиссияларининг ходимларидан янгича ёндашув, қуқур ва пухта ўйланган қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Ҳўш, сайловнинг ҳусусиятлари нимадан иборат? Энг аввало, ушбу сайлов Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин биринчи марта чинакам демократик йўсинда, кўп партиявийлик негизида ўтказилмоқда. Кўппартиявийлик эса сайлов муқаррар равишда муқобиллик асосида ўтишни тақозо этади. Маълумки, сайлов тўғрисидаги Қонун фақат сиёсий партияларга эмас, балки жойлардаги ҳокимият органларига ҳам депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини берган. Бу ҳол сайловчиларга жуда ноёб имконият яратди. Улар Олий ҳокимият органига фақат партия кўзлаган манфаатларини ташкил қилган бўлишига эмас, балки республикамизнинг барча минтақасида яшайдиган ҳамма аҳолининг манфаатларини ҳам ифода этадиган депутатларни сайлашлари мумкин бўлади.

Ҳамма депутатликка номзодларнинг сайловдаги фаолияти учун қонун доирасида тенг ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш ва уларга риоя этилишини таъминлаш энг муҳим вазифадир. Шундай экан, биз сайлов эркин, демократик сайлов бўлиши ва у халқимизнинг ирода-сини тўла-тўқис ифодалаш учун ҳамма ишни қилмоғимиз керак.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан бир қанча ишларни амалга оширди. Олий Кенгашнинг сайлов ўтказиш ҳақидаги қарори чиқиши биланоқ, Марказий сайлов комиссиясида уни бажаришга қаратилган асосий тадбирларнинг аниқ режаси тузилди ва у амалга оширила бошланди.

Республикамиз бўйича 250 округ ва 7192 участка сайлов комиссияси ўз вақтида тузилиб, улар ҳозирги пайтда ишлаб турибди. Ушбу комиссиялар таркибига меҳнат жамоаларида обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган муносиб кишилар киритилди. Айни вақтда уларнинг ҳаммаси партияси бўлиб, бу қонун талабларига тўла мосдир. Округ комиссияларининг таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент Шаҳар ҳокимларининг тақдимида кўра, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланиб, республика ва тегишли вилоят газеталари саҳифаларида эълон қилинди. Участка сайлов комиссияларининг таркиби эса туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимида мувофиқ округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов ҳужжатларининг барча муҳим намуналари ва шакллари, участка ва округ сайлов комиссияларининг муҳрларини тасдиқлади. Сай-

нинг аъзоси, 115 нафар «Ватан тараққиёти» партиясининг аъзоси бор. Деярли барча номзодлар олий ёки туманлардаги олий маълумотга эга, 21 номзод ўрта маълумотли.

Хуллас, давлатимиз олий ҳокимият органи таркибига кимлар сайланмасин, улар ўқимишли, билимдон, ўз ишининг мутахассиси бўлган олимлар, юристлар, иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, тижоратчилар, акциядорлар, фан ва маданият арбоблари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, халқ ҳўжати бошқа тармоқларининг ходимлари бўлади.

Хуллас, Олий Мажлис депутати унвонини оладиган кишилар ёш мусулмон давлатимиз олдидан турган барча муаммоларни малакали ҳал қила оладилар.

Бугун бизга ёш, жамиятимизнинг, давлатимизнинг истиқболни ўзида мужассамлаштирувчи одамлар, айниқса, зарур. Шу муносабат билан депутатликка номзод қилиб рўйхатда олинганлар орасида 173 киши, ёки жами номзодларнинг деярли учдан бир қисми 40 ёшга етмаган кишилар эканлигини алоҳида таъ-

топа олмай ёки унда фамилияси бузилганлигини кўриб хафа бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Сайлов тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилганидек, сайловчилар рўйхатлари билан барча аҳолининг сайловдан камидан 15 кун олдин, яъни кечи билан 10 декабрда танишиб чиқишини ҳамма ерда таъминлаш керак.

Округ сайлов комиссиялари депутатликка номзод қилиб рўйхатда олинганларга ўз вақтида гувоҳномалар топширишлари, шунингдек, депутатликка номзодлар тақдим этган ишончли вакиллари рўйхатдан ўтказишлари ва уларга ҳам тегишли гувоҳномалар беришлари керак. Шу билан бир қаторда Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага ва шаклга мувофиқ сайлов бюллетени ва сайлов варағининг матни ҳам ўз вақтида тасдиқланиши, тайёрланиши ва участка сайлов комиссияларига етказиб берилиши зарур.

Участка сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат уюшмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар

лар ва улар ишончли вакиллари-нинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш учун шароит яратилади.

Шу нарсани яна бир бор таъкидламоқчиманки, оммавий ахборот воситаларидан тўғри фойдаланиш сайловда ташвиқотнинг гўят муҳим муаммоларидан биридир. Бу эса оммавий ахборот воситалари ишларини назорат қилишни округ сайлов комиссияларининг муҳим вазифасига айлантиради.

Ташвиқот чоғида ҳақоратларга йўл қўйиш мумкин эмас, ҳар бир депутатликка номзоднинг, барча сайловчиларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиш, омма орасида демократия маданиятини кенг ёйиш керак.

Оммавий ахборот воситалари орқали сайловдаги ташвиқотини олиб бориш юзасидан белгилаб қўйилган тартибни ҳар қанақасига бузиш ҳақида Марказий сайлов комиссиясига, округ сайлов комиссияларига ёки сулаларга-шикоят қилиш мумкин. Сайловдаги ташвиқотни жараёнида қонун бузилишига йўл қўйилган ҳоллар ҳақидаги маълумот дарҳол чора кўриш учун оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларига юборилмоғи керак.

Округ комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар с а й л о в д и т а ш в и қ о т и н и ю р и т и ш ҳ у қ у қ и н и суистеъмол қилиб, ҳақиқатга хилоф бўлган ва номзодларнинг, улар ишончли вакил-

ларнинг шаънига, қадр-қиммати ва ишдаги обрў-эътиборига зарар келтирилган маълумотларни ва материалларни тарқатаётган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўришлари зарур.

Яна бир муҳим талаб шундан иборатки, сайлов олдидан олиб бориладиган бутун ташвиқот ишлари бузилимас конституциявий принциплар асосида, сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла жавоб бермоғи шарт. Қонунда «партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний ҳусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак», дейилади.

У ёки бу депутатликка номзодларни пропаганда қилиш учун Қонунда кўзда тутилмаган воситаларни жалб этиш йўлидаги уринишларга ҳам йўл қўйилмас керак. Давлат бизга сайловда кампаниясини пул билан таъминлаш учун етарли миқдорда маблағ ажратган. Шундай экан, ундан тўғри фойдаланиш, барча номзодлар учун тенг шароит яратишига қатъий амал қилиш зарур.

Сайлов жараёни бевосита ташкил этиши керак бўлган участка сайлов комиссиялари зиммасига жуда катта ва гўят масъулиятли вазифа юклатилган. Энг аввало, участка комиссиялари сайловчиларнинг рўйхатларини тузишлари, уларни ҳаммининг танишиб чиқиши учун тақдим этадилар ва бу рўйхатларга зарур ўзгаришларни киритиш масалаларини ҳал қиладилар. Бу комиссиялар билан сайловдаги таъминлайдилар ва овоз бериш жараёнини ташкил этадилар, овозларни санаб чиқадилар, сайловни тайёрлаш ва овоз беришни ташкил этиш билан боғлиқ аризалар ва шикоятларни кўриб чиқадилар ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

Шу муносабат билан округ сайлов комиссияларининг аъзолари участкаларда ишни ташкил этишга жиддий эътибор беришлари, участка комиссияларининг иши зарур даражада режалаштирилган, барча зарур шароитлар яратилган, пухта телефон алоқаси таъминланган бўлишини кузатиб туришлари керак.

Сайлов округидаги ишни ташкил этиш пайтида округ, шунингдек, участка комиссиялари аъзоларининг

навбатчилик графигини тузишни назарда тутиш зарур. Бундан буён Марказий сайлов комиссияси, қоида тариқасида, ҳокимиятга эмас, бевосита округ комиссияларига мурожаат қилишни ҳисобга олиб, кундузи ҳам, кечқурун ҳам навбатчилар бўлишини таъминлаш керак бўлади. Навбатчи округдаги вазиятни яхши билиши, қўйилган масалага узиш-кесил ва саводли жавоб қайтара билиши шарт. Шу муносабат билан округ комиссиясининг ҳар бир аъзосини округдаги муайян ҳудудга бириктириб қўйиш ва унинг ахборотларини комиссия мажлисларида тинглаб бориш тўғри бўлур эди деб ўйлаймиз.

Округ сайлов комиссияларининг иш режасида сиёсий партиялар вакиллари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, мансабдор шахсларнинг сайловга қандай тайёргарлик кўриётганлиги ҳақидаги ахборотини тинглаш кўзда тутилган бўлиши керак. Хусусан, алоқа воситаларининг иши, маданий хизматни таъминлаш, полиграфия базасини тайёрлаш, ҳокимиятларнинг сайлов участкаларини зарур жиҳозлар ва материаллар билан таъминлаш борасидаги иши; участка сайлов комиссияларининг сайловчилар рўйхатларини тайёрлаш ҳақидаги ахбороти; аҳолига савдо, коммунал, транспорт ва маиший хизмат кўрсатишнинг аҳоли ҳақидаги ҳисоботлар; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ахборотлари ва бошқа зарур масалалар диққат-эътиборда бўлиши шарт. Аниқланган барча камчиликлар юзасидан дарҳол тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, бу камчиликлар бартараф этилмоғи керак.

Сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу ҳужжатларга округ бўйича рўйхатда олинган барча депутатликка номзодлар киритилиб, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими (машғулоти тури) ва уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган ёзиб қўйилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, сайлов округидаги аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда босилади. Бюллетенлар маҳаллий вилоят босмаханаларида тайёрланади, улар учун керакли қозғоқ юборилган.

Республикамиз мустақиллик йилларида кўп ютуқларни қўлга киритди. Лекин бизнинг асосий ютуғимиз -- фуқаролар ўртасидаги тотувлик, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик, халқлар ўртасидаги дўстликдир. Биз бундан буён ҳам барча чоралар билан ҳимоя қилишимиз керак. Шу сабабли овоз бериладиган кунни ҳар бир сайлов участкасида тартибни ва оқилолликни таъминлаш, Олий Мажлисга сайловни муносиб равишда ва аниқ ўтказиш жуда муҳимдир.


Ҳамма жойда қонун талаби оғишмай бажарилишига, яъни сайловчи сайлов бюллетенини олиш чоғида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиб, рўйхатга имзо чекиши ва шахсан ўзи овоз беришга эришиши шубҳасиз зарурдир. Бунда сайловчи, агар бюллетенга бир неча фамилия киритилган бўлса, у фақат битта фамилияни, яъни ўзи сайлашга лойиқ деб ҳисоблайдиган номзодни қолдириш, бошқаларни эса ўчириб ташлаш зарурлигини, акс ҳолда Қонунга мувофиқ, бюллетен ҳақиқий эмас деб топилишини аниқ тушунириш жуда муҳимдир. Белгилаб қўйилмаган нусхадаги бюллетенлар ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Олиб бориладиган бутун сайловда ишмиз сайлов тўғрисидаги қонун талабларини қатъий суръатда бажаришга, барча сайловчилар овоз беришда гўят кенг демократик асосда, фаол ва манфаатдорлик билан ошқор ва очиноқсига иштирок этишларига таянмоғи зарур. Округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятларида ана шу қоидага қатъий амал қилишлари лозим.

Ишонч билан айта оламизки, барча сайлов комиссиялари жойлардаги ҳокимият органларининг фаол ёрдамида Олий Мажлисга ўтказиладиган биринчи сайловнинг эркин, демократик сайлов бўлиши, фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдаланишлари, жамиятимизда бундан буён ҳам тинчлик, тотувлик ва барқарорлик мустақамлик бориши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиладилар.

Қудратилла АХМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси

БўЛАЖАК САЙЛОВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ?



ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида сиёсий партиялар тегишли ишларни ўз вақтида бошлаб Марказий сайлов комиссиясига барча зарур ҳужжатларни тақдим этишди. Марказий сайлов комиссияси уларни кўриб чиқиб, Халқ демократик партияси ва «Ватан тараққиёти» партиясининг сайловда қатнашиши мумкинлиги ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Маълумки, сайлов тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ ҳокимиятнинг вакиллик органларига ўз ҳудудларида жойлашган 250 та сайлов округидан 250 нафар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Сиёсий партиялар ҳам Қонунга мувофиқ 250 сайлов округининг ҳаммасидан 250 тадан депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эдилар.

Шунга асосан халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши сессияларида ҳамда сиёсий партияларнинг съездларида депутатликка номзодларни кўрсатиш Қонунда белгилаб қўйилган муддатларга қатъий риоя қилинган ҳолда бошланди ва тугалланди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва жойлардаги вакиллик органлари кўрсатилган номзодлар бўйича тақдим этган барча ҳужжатларни қараб чиқиб, улар сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига қанчалик мувофиқ эканлиги ҳақида ўз ҳулосаларини берди ва бу ҳақда газет, телевидение, радио орқали жамоатчиликка ахборот етказиб турди.

Шундай қилиб, сайлов кампаниясининг муҳим босқичи -- депутатликка номзодлар кўрсатиш тугалланди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, биринчи қақриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 643 номзодни, шу жумладан, Халқ демократик партиясидан 247 номзодни, «Ватан тараққиёти» партиясидан 146 номзодни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларидан 250 номзодни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссиясига тушган айрим аризаларни кўриб чиқиш тугалланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бўлажак депутатлар корпусининг таркиби анча янгиланади. Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган 643 кишининг 62 нафари ҳозирги Олий Кенгаш депутати эканлигини айтишнинг ўзи кифоя. Номзодлар орасида 50 нафар аёл, 438 нафар Халқ демократик партияси-

киллаб ўтмоқчиман.

Бўлажак сайловнинг яна бир ҳусусиятини кўрсатиб ўтиш керак. Олий ҳокимият органига депутат бўлиш учун 15 милят вакиллари ўзaro мусобақалашади. Бу ҳол бизнинг кўп миллатли мамлакатимиз учун тамоман қонуний бир ҳол бўлиб, демократия, умумий тенгҳуқуқчилик, ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўлининг мантиқий ифодасидир.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхати яқин кунлар ичида республика ва маҳаллий газеталарда эълон қилинади. Ана шу дамдан бошлаб сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишнинг асосий оғирлиги округ сайлов комиссиялари зиммасига тушади. Округ комиссиялари ҳуқуқий мавқеининг ҳусусияти шундан иборатки, улар округда сайлов кампаниясини бевосита ташкил этиш билан бирга, айни вақтда қонуннинг бажарилишини назорат қиладилар, унинг қоидалари ҳамма ерда бир хил қўлланилишини таъминлайдилар.

Ўз-ўзидан равшанки, округ сайлов комиссияси вилоят, шаҳар ва туман маъмурияти билан, юстиция органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилгандагина таъсирчан назоратни йўлга қўя олади. Бу соҳадаги ҳамма ишни кенг ошқоралик руҳида олиб бориш зарур. Сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунга оғишмай риоя этилишини билишлари керак. Ушбу комиссиялар участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этишлари ва мувофиқлаштириб туришлари, пул маблағларини улар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашлари, зарур моддий-техникавий шароитларнинг яратилишини назорат қилишлари, участка сайлов комиссиялари иши устидан тушган ариза ва шикоятларни ўз вақтида кўриб боришлари шарт.

Округ сайлов комиссиялари барча участкаларда сайловчиларнинг рўйхатлари ўз вақтида ва тўғри тузилишини диққат билан назорат қилишлари лозим. Участка сайлов комиссиялари шаҳар ва туман ҳокимиятларидан уларнинг ҳудудида яшаётган сайловчилар тўғрисидаги аниқ маълумотларни ўз вақтида олишларини ва бу рўйхатларни ҳаммининг танишиб чиқиши учун тақдим этишларини кузатиб бориши зарур. Биздаги ҳисоб-китобларга қараганда, республикадаги барча сайловчиларнинг умумий сон 11 миллион кишидан ошиб кетди.

Сайловчилар рўйхатларини беҳато ва мукамал қилиб тузиш осон иш эмас. Сайловчи бирон-бир сабаб билан рўйхатдан ўз фамилиясини

раҳбарларининг сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотлари ҳам мунтазам тинглаб борилмоғи даркор.

Округ сайлов комиссияларининг жуда муҳим вазифаси -- барча депутатликка номзодлар учун сайловдаги фаолиятида тенг шароит яратиш беришдан иборат. Марказий сайлов комиссияси ушбу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Унда тегишли чора-тадбирлар назарда тутилган. Энг аввало, оммавий ахборот воситалари -- газеталар, телевидение ва радио у ёки бу номзодни, уларнинг сайлов олдидан дастурларини афзал кўрмасликлари керак. Ана шу мақсадда, Қонунга қатъий мувофиқ ҳолда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига қўйилган тадбирий чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

-- Халқ демократик партияси ва «Ватан тараққиёти» партияси раҳбарларига ўз дастурларини баён қилиш учун республика телевидениеси ва радиоси орқали чиқиш имконияти берилади, уларга тенг ҳажмда эфир вақти ажратилади;

-- Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига сайловдаги платформаларини баён этиш учун республика телевидениеси ва радиоси орқали чиқиш имконияти берилади (вилоятларга алифбо бўйича ҳар кун икки-учтадан чиқиш). Бунда ҳам эфир вақтининг баравар бўлишига риоя этилади;

-- республика телевидениеси ва радиосида сиёсий партиялар вакиллари ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органлари раҳбарлари иштирокида «Давра суҳбатлари» ташкил этилади;

-- сиёсий партиялар раҳбарлари ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари раҳбарларининг сайловдаги платформалари баён қилинган мақолалар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» республика газеталарида эълон қилинади. Бунда эълон қилинаётган мақолаларнинг ҳажми тенг бўлиши кўзда тутилди.

Айни вақтда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига жойларда сайловдаги ташвиқотини кенг авж олдириш, бунда барча депутатликка номзодларга тенг шарт-шароитлар таъминлаб бериш кўзда тутилган. Ана шу мақсадларда маҳаллий телевидение ва радио, қайси идорага бўйсунганидан қатъий назар, вилоят ва туман газеталарининг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланилади, номзод-

Фидоийлар



Зокиржон ака Бобур номидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида буюн андижонлик қатор зиёлилар ва халқ усталари ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Улар орасида Захриддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси, улуғ шоир фаолиятининг улкан тарғибчиси Зокиржон ака Машрабов ҳам бор. У миллий маданиятимиз ва тарихий қадриятларни тиклаш борасидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди.

Зокиржон ака Бобур номидаги халқаро жамғарма ва жамғарма қошида халқаро илмий экспедиция ташкил этилишида ташаббус кўрсатиб, Андижон—Тошкент йўлида маҳкамдан—маҳкамга олиб-югурганда орқавартдан: «Кизик, бу киши адабиётчи бўлмаса, тарихчи бўлмаса...» дея таажубланганлар, бу олижаноб сайёҳаракат мақсадини ҳар хил маънога йўйганлар ҳам бўлди. Мен ана шу экспедиция аъзолари сафида 1993 йилги Афғонистон—Эрон—Покистон—Ҳиндистон сафаридида иштирок этиб, жамғарма ҳам, экспедиция ҳам айнан ўз эгасини топганлигига тўла ишонч ҳосил қилдим.

«Йўл азоби» деган ибора ҳаммага маълум. Айниқса, нотаниш юртлар, синалмаган тош-қум йўллар, алашувлар, ўрганилмаган юқори нам ҳарорат, янги иқлимнинг мижозга салбий таъсири... пашша, чивин тўла қўноқоналар, ўн түрт-ўн беш соатлаб бетиним йўл юришлар, автомашинанинг ярим тунда тиклиб ё бўзилиб қолишлари, жазирмада баллон отиб юбориши...

Машҳур Ҳирот шаҳрига кириб борибди мезонлардан бизга аввало Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро ва қабр-мақбараларини кўрсатишни илтимос қилдик. Узоқ йиллик жангуд жалаллар ва бошқа сабабларга кўра бу улғур зотларнинг мақбаралари қаровсиз қолиб, харобатга айланибди. Ҳазрат Навоий мақбарасига ўтган босиб кетган, кўпдан бери инсон оғи тегмаган сўқмоқдан кириб борибди. Хусайн Бойқаро мақбараси ўрнида фақат қора сағана тоши қолган экан.

Шунинг учун ҳам Ҳирот ҳокими Амир Исмониди билан бўлган мулоқотда Зокиржон ака, аввало, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро қабр-

хонаси орқали автомашинага руҳсат олинганини, шунинг учун ҳам паспортларга машина рақами ёзиб қўйилганини айтиди.

Ниҳоят, узоқ тортишувдан кейин чегарачилар бош тебратишдан тўхтаб, бир-бирларига қарай бошлашди. Зокиржон ака: «Мени бошлиқларнинг олдида олиб киришлар», деб қатъий туриб олди.

Раҳбаримиз чегара бошлиғи билан гаплашиб, Ҳиндистон ҳукумати вакиллари билан учрашиб келишга руҳсат олиб чиқди-да, шу заҳоти поездага ўтириб таржимон Аҳмаддон би-

ли Миллий музейга уч марта бордик.

Агра, Патна, Канпур, Калкутта, Пури шаҳарларидан ўтиб, Ҳайдарободга яқинлашганимизда кимдир: «Ие, Аврангободдан ўтиб кетибмиз-ку», деб қолди. Зокиржон ака ўтирган жойида сапчиб тушди.

— Йў-э? Унда қайтамиз! — деди у ҳеч иккиланмай.

— Анча узоқда қолиб кетибди.

— Неча кунлик йўл бўлса ҳам, қайтамиз. Ахир у ерда бобурийларнинг олтинчи авлоди, улуғ шоира Зебунисоннинг отаси Аврангзоб Оламгир ётибди-ку!

ЁНИБ ЯШАГАНГА НЕ ЕТСИН

мақбараларини биргаликда таъмирлаш масаласини кўтарди. Амир тақдирини қабул қилди, таъминий шартлар ҳам келишиб олинди.

— Бу жуда қийин вазифа-ку, Зокиржон ака, узоқ йўл, усталару ашёларни олиб келиш ҳазилакам маблағ талаб қилмаса керак, — дедик учрашувдан кейин.

— Мутасадди раҳбарлар олдида чиқаман! Халқимиз ўзининг буюк аждодлари қандай аҳволда ётганини билса, албатта ёрдам қўлини чўзди, — деди Зокиржон ака умид ва ишонч билан. Албатта, бу гапни айтиш учун ҳам одамда маънавий ҳуқуқдан ташқари, эътиқод, журғат, фидоийлик бўлиши керак.

Зокиржон Машрабовда ана шу хизматларнинг мукассамлигига қийин ҳам бир неча бор амин бўлибди. Экспедиция ташкил этишдан бош мақсад ҳам Бобур ва бобурийларнинг ҳинд улқасида кечган ҳаёти, улар қолдирган бебаҳо маънавий мерос, тарихий обидаларни чуқурроқ ўрганиш, илочи бориҳа Ҳиндистонга янги маълумотлар, Бобур боғида қад кўтарётган музейга қўйиш учун ашёлар, ҳужжатлар, қўлёзма ва китоблар олиб қайтиш эди. Яна қайси юз билан «Ҳиндистонга ўтолмадик» деб, Андижонга кириб борамиз?» деган савол ҳар биримизни қаттиқ ташвишга соларди.

Бир түп эрибти аскарлар орасида қолган Зокиржон ака аввало, босиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчи-

лан Дехлига (салкам 500 чақирим) жўнаб кетди. Машинамизни бир четга тортиб қўйишди. Чегара бошлиғининг ҳиммати билан шу оқшом (олти киши қолган эдик) бизни меҳмон қилишди, тунагани жой беришди.

Зокиржон ака икки кундан кейин қайтиб келди. Руҳи баланд, кайфияти тетик эди, лекин севинчини яшириб туришга ҳаракат қиларди.

— Ўзбекистон консули ёрдамида Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигига чиқдик. Хавотирланманглар, руҳсат бўлади, дейишди. Чегарага телекс билан ижозатнома юборишадиган бўлди.

Эртасига тушдан кейин Зокиржон акани чегара маъмуриятига чақирди. У ошиқибди кетди ва кўп ўтмай қайтиб келди. Ўша лаҳзадаги ҳолати ҳақон кўз олдимдан кетмайди. У худди ёш боладай қўнғичини ичига сиғиролмас, ҳам-маминини бир-бир бағрига босиб табриқлар эди.

Кеч кириб келётган бўлишга қарамай, Бобур бобимиз қадимжолари бўйлаб Ҳиндистон маркази томон жўнаб кетдик.

Биз йигирма саккиз кун мобайнида бобурийлар сулоласи 332 йил ҳукмронлик қилган бепоён ва табиати гўя фусункор ҳинд лиёрининг жуда кўп жойларида бўлибди.

Олимлар ва мутахассислар билан учрашиб, бобурийларга оид ҳужжатлар, ашёлар, қўлёзмалар, суратларни синчиқлаб қўздан кечириш мақсадида Дех-

Уни зиёрат қилмасдан қандай кетамиз?...

Зокиржон аканинг қатъиятчи, ўз фикрида собит ва устиворлигини, буюк ҳамюртимиз Бобурга, маданиятимиз тарихига чексиз ҳурмати ва садоқатини ҳар қаламда ҳис этиш мумкин эди. Қайси шаҳарга борсак, Зокиржон ака энг аввало китоб дўконларини суриштирарди. Бобур ва бобурийлар ҳақида бирон-бир китоб ё бошқа бир ҳужжат топилиб қолса, чегараси қанчалик ёришиб кетганини кўрсангиз эди... Машҳуд шаҳрида дегирли ярим кун қўчма-қўча китоб дўконларини айландик. «Бобурнома»нинг таржимони, инглиз олими Вилем Эркининг «Эрон ва Бобур» асарини сотиб олганимизда Зокиржон ака ниҳоятда суюнди ва... куюниб кетди.

— Мана бу китобнинг гўзаллигини, ҳажминини кўринглар, қирқ босма тобқў! Еттинчи марта нашр қилинишни экан. Китоб эмас, дурдона бу! Бобур Эронда бор-йўли бир неча ой турган бўлса керак. Бобур Андижонда, Мовароуннаҳрда 20 йилдан ортиқ яшаган, сарсону саргардон кезган. Қани ўша давр ҳақида китоб? Униям бизга инглиз ё француз бобурийнослари ёзиб беришлари керакмикин?...

Зокиржон ака ўз касби геологика ҳам ҳамиша содиқ қолгани учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Андижондаги кўптармоқли илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этди ва то ҳануз шу ерда меҳнат қилмоқда. Албатта, бу соҳада ҳам Зокиржон аканинг обрў-

этибори етарли эди. Бироқ Бобур Мирзо руҳи унинг қалбига мўлҳам гулгула солиб, қандайдир улғур ишлар қилишга даъват этар эди. Шунинг учунми, ўз муҳаббати ва эътиқодини амалда ибодатлашга уринарди. Бобур номидаги халқаро жамғарма ва унинг қошида шу номдаги халқаро илмий экспедициянинг ташкил топиши ана шундай ҳаракатлар самарасидир. Экспедиция 1992-93 йиллари Зокиржон Машрабов раҳбарлигида уч марта сафарда бўлиб қайтди. Афғонистон, Эрон, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда Бобур ва бобурийларнинг кўп асрлик ҳаёти, фаолияти, уларнинг илмий, бадиий, меъморчилик соҳасидаги беқиёс мерослари ўрганилиб, мухталиқ Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётига янги ўзгаришлар тарғиб қилинди.

Вилоят, шаҳар ҳокимликларининг фаол иштирокида ва раҳбарлигида, Бобур номидаги халқаро жамғарма тасарруфидида Бобур боғида Бобур марказий музейи, Бобур раъсий мақбараси, қўйма ҳайкали, катта арк ва бошқа шарқона услубдаги обидалар қурилиши ниҳоятга етказилди.

Зокиржон ака доимо янги-янги гоилар ва меҳнат билан яшаб турган. «Бекор қолсам юрагим сиқилиб кетамди», дейди у. Шу кунларда Бобур боғини миллий боғга айлантириш, бунинг учун ЮНЕСКО даражасига олиб чиқиш ва унинг руҳиятидан ўқатиш, ана шу боғда «Ижодкорлар уйи»ни қуриб, вилоят қаламқашларига шарт-шароит яратиб бериш, шунингдек, экспедициянинг янги йўналишлар бўйича сафари дас-турини тайёрлаш ҳаракатида юрибди.

Унинг энг эзгу мақсадларидан бири — Ҳиротдаги улғур бобурийлар Алишер Навоий ва Султон Хусайн Бойқаро қабр-мақбараларини тиклаб-таъмирлашдан иборатдир. Умид қиламизки, иншооллоҳ, ҳукумати-миз ва халқимиз қўмағи билан бу савобли тилак ҳам ижобат бўлади.

Ана шунини-тинчимас, қалби соф ниятлар, олижаноб туйғуллар билан лиммо-лим одам олтимиш ёшга тўлди. Лекин юрагининг тошқинлигини, ҳаракатларининг жўшқинлигини кўрган киши унинг умри узоқ бўлишига, ўзбек тарихи ва маданияти учун ҳали кўп ишлар қилиб улгуришига ишонади.

Қамчибек КЕНЖА.

Қардошлар диёрида

МАҚСАД: САНОАТЛАШГАН АГРОХЎЖАЛИККА ЭРИШИШ


ЛЕНИНБОД вилоятининг Жаббор Расулов (собиқ Ленин) номи туманида Абдуғофир Самадов номи донгдор жамоа хўжалиги мавжуд. У йилга 25 минг тонна пахта етиштирилади. Бу — жами туман хирмонининг 70 фоизи. Хўжаликка икки марта Меҳнат Қаҳрамони Абдуғофир ота раислик қилди. Отаҳон бу йил 86 ёшга тўлди. Шу муносабат билан ҳамқишлоқлари халқ турмуши фаровонлигини оширишдаги кўп йиллик хизматлари эъзига мазкур хўжаликни унинг номи билан аташга аҳд қилинди.



— Жамоамиз худудида 13 та қишлоқ бўлиб, 40 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг деярли барчаси шу ерда туғилиб, вояга етган. Уларнинг рўзгорларини бутли-баракали бўлишини таъминлаш ҳақида биз раҳбарлар зиммасида бўлган. Шу боисдан ҳам уларга қўшимча даромад келтирувчи янги иш жойлари ташкил қилиш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Абдуғофир ота.

— Ҳозирча хўжалигимиз худудида бира йўла 250 кишини иш билан таъминлайдиган гишт ишлаб чиқариш цехи ва эшик, де-биз ишлаб чиқариш устаноналарини барпо этдик. Қишлоғимиз азалдан ўз чеварлари билан ном чиқарган. Шу боисдан ана шу соҳани ривожлантириш мақсадида мавжуд тикувчилик цехини кенгайтириб, унинг 8 та филиали ташкил этилди. Эндиликда тикувчилик бирлашмаси деб атала-

ётган ушбу корхонамизда мўйнали дублэнкалардан тортиб, болалар кўйлаги, қариялар учун яктақлар, бел-



боғ, дўппи, чопон ва ишчи-деҳқонлар учун иш коржомаларига ҳам шу ерда тайёрланмоқда. Ушбу бирлашмада 250 одам меҳнат қилади. Улар шу йилнинг 9 ойи мобайнида 125 миллион сўмлик 30 турдаги маҳсулот ишлаб чиқардилар. Шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга

ган масалалар бўлганлиги учун ҳам дадил айтаямиз.

Ушбу тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тарбия муассаларига арзон нархларда сотилади. Жамоамизда меҳнат қилувчиларга эса ун, ёғ, чорваси учун ем, хашак уйларига элтиб берилади. Бу нарсалар учун нақд пул олинмайди. Йил охирида бериладиган устама ҳақдан чегириб қолинади, холос.

Мақсадимиз эса бита, у ҳам бўлса келажакда жамоамизни йирик саноатлашган агрохўжаликка айлантириш.

СУРАТДА: Абдуғофир ота Самадов оила аъзолари даврасида; қишлоқнинг марказий кўрғони «Ғалакандуз»нинг умумий кўрinishи. Турғубек МАҲКАМОВ.

МОЗИЙГА НАЗАР

Тошкентдаги Киночилар уйида жаҳон киносининг 100 ва ўзбек киносининг 70 йиллигига бағишлаб ўзбек фильмлари кўриги ўтказилмоқда. Унда 1927 йилда «Ўзбекдакино» ижодкорлари яратган «Иккинчи хотин», «Чодра», «Мачит гўмбалари остида», «Соянбойи арава» фильмлари намойиш этилаётди.

1924 йилда Бухоро Республикаси билан Ленин раҳбининг «Севзапкино» ташкилотига келишувига биноан «Бухкино» ташкил этилди. Орадан бир йил ўтган, республика халқ комиссарлиги қарорига биноан «Ўзбекдакино» вужудга келди. Унинг дастлабки маҳсулотлари ўша даврни акс эттирган ҳужжатли фильмлардан иборат бўлса, кўп вақт ўтмай бадиий кинолар ишлаб чиқаришга киришилди.

Санъат

Қўшиқларим сизга армуғон

М. Қориев номидаги Ўзбек давлат эстрадаси ижодий жамоалари санъат муҳлисарида маданий хизматни ахишлаш мақсадида талбир ишлаб чиқди. Унга кўра, Тошкентдаги барча театрларда, «Баҳор» концерт залли ва давлат консерваториясида 18 декабрга қадар республикамизнинг етук санъаткорлари ижросида «Қўшиқларим сизга армуғон» деб номланган концерт дастури намойиш этилади.

Концертларда хушновз хонандалар билан бирга «Шодлик», «Лазги», «Зарафшон» ашула ва рақс дастаси раққосалари, шунингдек, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, хор капелласи иштирок этади.

Маърифат ирмоқлари

Тошкент чет тиллар институтининг француз тили ва адабиёти факультетини имтиёзли тугатлаган Фарида Алимхўжаева қўлгоғи таълим мактабига муаллим бўлиб ўтди.

Мактаб давлат таъминотида бўлса-да, қўлгоғи заиф болаларга 70 йил ичида бирорта ўзбек тилида қўлланма яратилмади. Тайёрланган қўлланмаларнинг эса чоп этилмаганини нима деса бўлади? Бунинг устига, ўқувчиларни ўзбек талаффузига ўргатиш методикаси бўлмаганидан, улар умумтаълим мактаблари учун мостланган китоблар асосида ўқитилганлар. Бу аҳволни кўрган Фаридохон шу соҳадаги ўз малакасини ошириш учун иккинчи олий ўқув юрти Тошкент педагогика институтига дефектология факультетига кириб ўқиди, унинг сурдо-

педагогика бўлимини муваффақиятли тугатлади, заиф эшитув-

КЎЗЛАРНИ СЎЗЛАТУВЧИ МУАЛЛИМ

чи болаларнинг табиатини, эшитиш қобилиятини ривожлантириш масалаларини чуқур ўрганди ва сўнг ўзбек болалари учун эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва уларни талаффузга ўргатиш бўйича программа тузиб, унга амалда қўлай борди. Шу йилда йиллар давомида илмий-

методик тажриблар ўтказди. Фаридохоннинг иш услубига ҳавас қилса эрийдик: кўп йиллар давомида қўлгоғи заиф болаларнинг эшитиш қобилиятини, талаффузини 4-5 йил ичида раволаштириб, умумтаълим ўрта мактабларида ўқини давом эттиришлари ҳам ўз ҳиссасини қўш-

ди. Энг муҳими, у қўлгоғи заиф ўзбек болалар нутқи, эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузга ўргатишнинг янги методига асос солди.

Интилувчан, сергайрат, ўзига ҳам талабчан муаллима кўп йиллик амалий, назарий ишларни муваффақиятли якунлади: Рос-

сия маориф академиясида ўзбек заиф эшитувчи болаларнинг нутқий эшитиш ривожлантириш мавзудига номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. А.Алимхўжаеванинг илмий-методик ишлари туфайли ўзбек сурдопедагогикаси рус, француз ва умуман Европа фани даражасига кўтарилди. Ўзбекистон республикасининг сурдопедагогикаси бўйича номи ва биринчи мутахассиснинг илмий-методик маҳсули мактабларда тез ва кенг оммалаштириш лозим. Тайёрланган қўлланмалар чоп этилиб, кўп сонли ўқувчиларга етиб борса, қўлгоғи заиф болаларнинг нутқи раво бўлишига, тафаккури кенгайишига ва, умуман, Ўзбекистоннинг фаол фуқароси бўлиб улғай боришига яқиндан ёрдам беради.

Н. МАМАТОВ,
Б. АҚРОМОВ,
филология фанлари докторлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА !!!

Ўзбекистон давлат суғурта муассасалари 1994 йил 1 ноябрдан бошлаб фуқароларнинг қўшимча пенсия суғуртасини жорий қилдилар.

Ушбу суғурта тури пенсия ёшига етгач ҳар ойда ўша даврда республикада амалда бўлган энг кам миқдордаги пенсия пулини қўшимча олишингизни таъминлайди.

Бу суғурта шартномасини тузган фуқаролар бахтсиз ҳодисалардан ҳам суғурта қилинган ҳисобланадилар.

ОЗ МИҚДОРДА СУГУРТА БАДАЛИ ТЎЛАБ БОРИШ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗНИ ПЕНСИЯ ЁШИГА ЕТГАЧ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД БИЛАН ТАЪМИНЛАГАН БЎЛАСИЗ !

Маълумотларни 76-97-56 телефони орқали ёки вилоят, туман, шаҳар давлат суғурта муассасаларида олишингиз мумкин. Ўзбекистон давлат суғурта бош бошқармаси.

ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБИ

ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ - Сизни нақд пул олиб юриш ташвишидан халос этади.

Республикамизнинг барча ҳудудларида дўконлардан ва савдо ташкилотларидан ҳар қилган қимматбаҳо буюмлар учун ҳисоб-китоб чекларини тақдим этиш мумкин.

Шунингдек у бошқа қўлсина хизматлар учун ҳақ тўлашда ҳам нақд пул ўрнини босади. **ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ - бу шахс номига берилган пул ҳужжати бўлиб, у жамғарма банки томонидан омонатда сақланган жамғарма ҳисобидан, шунингдек Жамғарма банкига нақд пул тарзида топширилган маблағ ҳисобига исталган миқдорда ёзиб берилади.**

ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ ХИЗМАТ ВА ТЎЛОВЛАРДА ХИСОБ-КИТОБНИНГ ҚЎЛАЙ УСЛУБИДР.


Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки.



КУЗТИ САВДО ЯРМАРКАСИ

Туркиянинг "Догон", "Каргал", "Темпра" енгил машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, мамлакатимизнинг юк машиналари ва автобуслар, ЗИЛ, ГАЗ, МАЗ, КРАЗ, КАМАЗ машиналарининг эҳтиёт қисмлари, уларнинг "ЎЗАВТОСОЗЛАШ" ишлаб чиқариш концерни корхонасида тайёрланган арава ва яримаравачалари, гаражга мўлжалланган ва бошқа ностандарт жиҳозлар, турли тонфадаги автомобил шиналари, кўтарма автомобиль электр жиҳозлари ва бошқа қўшев автокорхона ҳамда автомобиль техникаси эгалари учун зарур нарсаларга -

СИЗ КУЗГИ САВДО-ЯРМАРКАМИЗГА



ташриф буюриб, етатик қилишингиз мумкин. Уш "ЎЗАВТОТРАНС" ўзбек давлат автомобил транспорт корпорацияси ва "ЎЗАВТОСОЗЛАШ" ишлаб чиқариш концерни ташкил этади.

Ярмаркага турли хил қишлоқ хўжалик техникаси, халқ истеъмолчи моллари, ишлаб чиқариш феолияти учун жиҳозлардан иборат ўз маҳсулотларини республикамизнинг бошқа корхоналари ҳам тақдим қилади.

Ярмаркада Сиз автомобиллар капитал ремонтини амалга ошириш, уларнинг сервис хизматини ташкил этиш, махсус ҳаракатлантирувчи таркибини тайёрлаш, турли хил ностандарт жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар бўйича шартнома тузишингиз мумкин.

Шартномаларнинг муддатли, ишининг сифатли бажарилишини кафолатлаймиз !

Ярмарка шу йил 24-25 ноябрь кунлари қўйлагги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ойбек йоғ қўчаси, 47-уй, 8-Тошкент эксперимент заводи.

Телефонлар: 54-63-91, 33-53-68, 33-13-84
Факс: 54-63-91

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги ҳайъати Тошкент автомобиль йуллар институти ректори, профессор

Салим ПУЛАТОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

«Усувқурилиш» давлат концернининг бошқаруви ҳайъати ва меҳнат жамоаси концерни раисининг уринбосари Н. И. Раҳматовга қайнонаси

Екатерина МУМИНОВАНИНГ



вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси «Исқикчи техникаси» кафедраси доценти Олим Пулатовга отаси Тошкент автомобиль йуллари институти ректори

Салим ПУЛАТОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

1990 йил, Бельгия. Иқтидорли ўзбек рассоми Баҳодир Жалолов асарларининг бу ердаги кўргазмаси катта муваффақият қозонди. Ушбу кўргазмага таширф буюрган юзлаб кишилар орасида, унча катта бўлмаган Кортрейк шаҳри вакиллари ҳам бор эди. Мўйқалам соҳибининг жозибали асарлари бу кичик шаҳар кишиларидан катта таассурот қолдирди. Шу боис, орадан кўп ўтмай унинг раҳбарлари Баҳодирдан ўз шаҳарлари марказининг қиёфасини чизиб беришга илтимос қилдилар...



ДУНЁГА ТАНИЛГАН

Юзма-юз МУСАВВИР



Баҳодир ЖАЛОЛОВ
сусида нима дея оласиз?
-- Ривожланган барча мамлакатларда кишилар саноатнинг бу турига ўта жиддий ва нозик муносабат бил-

шолиги, Сўғдиёна ва ниҳоят Темур даври.
-- Айтишим мумкин, бу асарлар ижодимдаги асосий ишларимдан бири бўлади. Чунки бу тасвирларда ҳаётда бир-бирига сиғишмайдиган ҳолатлар: яхши-

Салим Пўлатович ПЎЛАТОВ



Ўзбекистон олий таълими ва илм-фани оғир жудодикка учради. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутаты, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, Тошкент автомобиль йўллари институтининг ректори, профессор Салим Пўлатович Пўлатов 15 ноябрь кунини тўсатдан вафот этди.

С. Пўлатов 1930 йилда Наманган шаҳрида туғилган эди. У Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битириб, шу институтнинг олий ўқитувчиси, ректорига бўлган йўлни босиб ўтди. 1961 йилдан 1978 йилга қадар шу олий ўқув юртининг ректори лавозимида ишлаб, уни мамлакатнинг энг йirik институтларидан бирига айлантирди.

И. Каримов, Э. Халилов, А. Муталов, И. Жўрабеков, С. Сайдоқимов, Т. Алимов, А. Азизжўшев, О. Салимов, К. Тулганов, С. Муталибов, А. Рачинский.

Хуллас, мусаввир ишга киришди. Асар тайёр бўлгач, унга разм солган «буржумчилар» хайратдан ёқа ушлаб қолишди. Чунки, ўзбек рассоми қисқа фурсатда ўзига тамоман нотаниш бир юрт манзараларини шундай маҳорат билан тасвирлагандики, бельгияликлар унга қайта-қайта миннатдорчилик билдирдилар.

Баҳодирнинг хорижий эллардаги шуҳрати Кортрейк шаҳри билан чекланиб қолмади. Сурия, Саудия Арабистони, Англия, Франция, АҚШ, Хиндистон, Туркия, Россия каби мамлакатларда унинг муҳлислари бор. Айтиш мумкин, Баҳодир чизган тасвирлар жаҳон

галереясида муносиб ўрин ололган.

Газетхонларга рўбарў бўлаётган суҳбатдошимиз ана шундай иқтидор соҳиби. Уни Ўзбекистонда ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Асарларини мамнуният билан кутиб олишад.

Маълумки, ҳар бир рассомнинг ўзига хос услуби бор. Сизнинг ижодингиздаги асосий йўналиш нималардан иборат?

-- Янгича талқин, ҳаққонийлик кашф этиш. Шу яшаш тарзимизга алоқадор бўлган ҳамма нарсаларни, ҳаттоки, кичик-кичик заррачаларгача акс эттира олиш, ҳаётдаги ва руҳиятдаги «тирик» ва

«ўлик» манзараларни чизиб бериш. Буларнинг барчаси ижодимда янги-ча бир йўналиш касб этади.

Ўзингиз айтгандек, асарларингизда икки хил олам тасвири қоршиқ. Тарихи бир-биридан йироқ бўлган аъёнлар, удуларни қандай қилиб, бир хил тасвирда акс эттира оласиз? Қолаверса, кишилар асарларингизда ўзга сайёранинг қандайдир таъсири бор дейишад.

-- Фарб ва Шарқ халқларининг асрлар давомида яратган тарихий аъёнлари, урф-одатлари мен учун бирдек

қадрли. Шу туфайли, асарларимнинг барчасида руҳимдаги бу кайфиятни акс эттиришга ҳаракат қиламан. Ўзга сайёра хусусида: мен ҳам кўпчилик қатори шу. Она Ер фарзандиман.

Одамлардаги кайси ҳолатларни ёқтирасиз?

-- Бир нарсга дейиш кийин. Чунки одамлар ҳар хил. Айнан ана шу хилма-хиллик мен учун қизиқарлидир. Кишиларнинг кайфиятини, юриш-туриш ҳолатларини, ички тасаввур дунёсини чизишимда бу хилма-хиллик кўл келади.

Биздаги ва хорижий эллардаги тасвирий санъат ривожини ҳу-

диришларининг гувоҳи бўлдим. Асарлар намойиш этилганда, кишилар шунчаки томоша қилиб қўя қолишмайди, балки намойиш этилаётган асарларда тасвирлаш санъати нечоғлиқ урдаланганлигини диққат билан ўрганадилар. Олайлиқ, асарнинг ранги, йўналиши, палатноси, бўёқларнинг ташқи ёруғлик нурларига мосланиши, ҳамма-ҳаммасига алоҳида эътибор қиладилар. Табиийки, бундай синчков томошабин бўлиш учун ўкиб маънода етарли савия, билим талаб этилади.

Хозир сиз Ўзбекистон санъат музейи буржумаси устида ишляпсиз. Олайлиқ, Кушон давлати ҳукмдорлик қилган йиллар, Бахтиярий под-

лик ва ёмонлик, ҳаётнинг салбий томонлари, кишилардаги муносабат, дин ва миллийлик масалалари ва ҳоказолар ўз аксини топтомо керак.

Газетхонлар билан яна нималар ҳақида фикрлашишни истардингиз?

Бирдан бир нарсани билан баландпарвоз гапларга, мактовларга берилмайлик, чунки бугун фақат ишлайдиган давр. Қанчалик кўп ва самарали меҳнат қилсак, унинг роҳатини эртанги авлод шунчалик кўп тортади.

Нигора ХАСАНОВА суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: мусаввир асарларидан намуналар.

Немис фирмаси

ёши 25-35 ларда бўлган, олий маълумотга ва ўсимликларни ҳимоя қилиш масаласида тажрибага, ҳайдовчи гувоҳномага ва уй телефонига эга, ўзбек, рус ва немис (ёки инглиз) тилларини биладиган агрономни Ўзбекистон Республикаси бўйлаб тез-тез хизмат сафарига чиқиб туриладиган доимий ишга таклиф этади.

Меҳнат фаолияти ҳақида немис (ёки инглиз) тилида ёзилган қисқача таржимаи ҳол, суратлар, яшаш манзили ва уй телефони кўрсатилган таклифномани қуйидаги манзилга юборинг:

Ўзбекистон Республикаси, 700015, Тошкент-15, а/я 31.

"Тошкент-Лада"

ҳиссдорлик уюшмасига доимий ишлайдиган девон мудири ва ўзбек, рус тилларини биладиган матн кўчирувчи котиба (машинистка) керак.

Маълумот учун телефонлар: 76-75-54, 76-53-76.

Украина маҳсулоти бўлган қанд-шакарни зудлик билан пахта толасига қуйидаги тартибда алмаштирамиз:

3 кг. қандга - 1 кг. пахта.

Манзил: Тошкент шаҳри, Холида Саматова кўчаси (собик Фрунзе), 30-уй. Телефон: 33-21-18, 33-13-38 факс: 33-46-88.

ТАШКИЛОТ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН РИГА ЕРИТТИЧЛАР ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЛМИШ ЭТТИЗ ОЛТИ САНОАТ ВА МАШИЙ (қандилар, девор чироклари) ЕРИТТИЧЛАРНИ СОТУВГА ЧИҚАРАДИ.

ҲИСОБ-КИТОБ КЕЛИШУВ БЎЙИЧА. Тел.: (3712) 67-28-71, 68-35-83.

СПОРТ

КЎЗИ ОЖИЗЛАР ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон кўзи оғизлар жамоаси Бухоро вилояти бошқаруви раёсатининг ташаббуси билан Болта Аҳмедов номидаги Ўзбекистон ўқув-оқитиш чинарли қорхонаси ҳомидаги халқаро паша бўйича кўзи оғизлар ўрғасида Бухоро вилояти биринчилиги ўтказилди. Қорхона маъмурияти ҳомидаги тўлалигича ва зиммасида олинди. Мусобақада вилоятимизнинг турли буржумларидан келган энг кучли спортчилар қатнашиб, бир неча кун давомида ғайри кескин кураш олиб боришди. Спорт усталигига номуво, Бухоро шаҳридаги 24-кўзи оғизлар маҳсуе мактаб-интернатидаги тарих фани ўқитувчиси Умар Оринов ўн имкониятдан ўн очко тўплад, чемпионликни қўлга киритди. У ҳомий қорхонада туриб чинарлидан ғалам билан мукофотланди. Ўзбекистон кўзи оғизлар жамоаси Бухоро ўқув-оқитиш чинарли қорхонаси ҳузуридаги кўзи оғизлар жамоаси бошқаруви ташкилоти биринчи раис Абдуфурқ Абдулов, Ўзбекистон шаҳридаги кўзи оғизларнинг маҳсуе кўчубоқмаси ҳодими Абдуфурқон Маъжидов, ҳомий раҳбари, яъни Болта Аҳмедов номидаги Ўзбекистон ўқув-оқитиш чинарли қорхонасининг директори Навиддин Палленов маъжуд имкониятдан бир хилда -- 8 тилан очко тўплад. Ҳайамлар ҳайати барчасида мукофотларни олишнинг урини беришга қарор қилди. Улар маҳаллий қорхонанинг ўзидан ишлаб чиқариладиган буюмлар билан тасвирландилар. Ўзбекистон кўзи оғизлар жамоаси Бухоро вилояти бошқаруви раёсати ҳам муебонада гоибларнинг биринчи ва иккинчи даражада дипломлар ҳамда қимматбаҳо эсталик соғиналари билан мукофотланди.

Ақбар ҲАЙДАРОВ.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди

Урганчилик Эгам Жуманиёзов панжара орғига ялқ бор эдингиз 17 га тўлган ўсирилик чоғида, 1955 йилда туғилган. Дастлаб 2 йил 4 ойга кесилди. Сўнгра бирин-кетин қамқоқ жазосига ҳукм қилинаверди. У 10 бора судланди, тайин этилган жами жазо муддати эса 50 йил 4 ой. Хозир унинг ёши 56 да. Уни авф этишган, муддатидан илгари қўйиб юборишган, нўлини топиб, ўзини-ўзи «озод» қилган пайтлар ҳам бўлди.

Эгам Жуманиёзов ҳаётини хароб қилган нарсаси -- нафа. Жуманиёзовни охиригача бор қамқоқда олишгаётганда уйдан (Урганч шаҳри, Навоий кўчаси) тўпони, қирма қўшотар, ўқ-дорилар, аяғичи на мингларда гиёҳвандлик моддалари топилиди. Нақуварлар «Эгам бангир» (Жиноят бўлимида у шу ном билан машҳур) ни хотини Светлана Қўнах билан гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилаётган пайтда ушладилар.

Гиёҳвандлик кўчасига кирганларнинг қисмати бундан ортқ бўлмайди. Яхши-ёмки, бу йўлга кирганларнинг кирдиқорларини фойда туғувчи оқибатларимиз, суд, милиция, жамоатчилик бор. Азимо рўй-рост айтганда, бу ижтимоий ҳафалик иллатга қарши кураш бугун оғирлиги билан милиция гарданлида.

Гиёҳванд экинлар яқин-яқинларгача Хоразм воҳасида республикамизнинг бошқа вилоятларига қараганда анча кўп этиштириб келинган. Оғуни ҳозир ҳам экинларлиги. Милиция ҳодимлари унча вағида йўқ қилмоқдалар. Азимо оғуни воҳага бошқа жойлардан олиб келишга уринишлар ҳамон давом этаётган. Айнан ана шу уринишларга қарши кураш гиёҳвандликка қарши курашнинг муҳим жакетига айланган.

Президентимиз шу йил 25 июнь кунини Республика Вазирилар Маҳкамаси мажли-

сидаги нутқида мамлакат истеъмол бозорини тартибга солиш, кишилар турмушини халал бераётган махфий тўлалири тўрт-томлари билан қўшотар ташлаш турғисида сузлагани эди. Ўтган ойлар мобайнидаги оммавий тафтиш -- текшириш-

дан бўлими ҳодимларининг эътиборини тортди. Тезкор гуруҳ вакиллари машғум «юксини» мева-салат орасидан бир нарсани топиб олд. «Меҳмон айв» Самарқанд шаҳри Оқтотари кўчасида истеъмол қилувчи, ҳеч қандай ишламасида Хурсаной Рустамованинг таширидан қўзлаган ишти ҳам теда аён бўлди. Челадаги мева-салат остига пухта яширилган қоралари Хоразм вилоятининг Достлик шаҳри К. Отавиёзов кўчасида яшовчи 1953 йилда туғилган пафқоҳур, яқин-яқинларгача милиция дубосига шикоятини аниқ қўрган Шорайб Қаландаров атай олиб келинаётган маълум бўлди. Шорайбнинг уйи гуноҳ гуноҳлар ниғиронлиги қўдан кеч-

рилганда 765 грамм қоралари, 20 килограмм 465 грамм нафа топиб олинди. Қарангиз, тил биринтирган ҳолда жиноят қилётганлар айтиш 2 кишидан иборат эмас экан.

«Кала»нинг бир учи Самарқанднинг Уруст туманига, иккинчи учи эса Хоразмнинг Хива, Урганч туманларига етиб борди. Нақуварлар дастлаб Хивадаги энг катта университетдан бирининг директори Ботир Қўрбоновни қўлга олишди. Унинг уйдан анча мингларда қоралари ва кўшотари чиқди. Иккинчи ишлар орғалари ва милиция хавфсизлик хизмати ҳодимлари-

дан қўрилган самарани берди. Вилоят бўйича салкам 10 гектар майдонда гиёҳванд экинлар ўстириляётгани аниқланди ва йўқ қилиб юборилди. Темир йўл, автомобиль шўх бекетлари, тайёргарҳ назорат ўтказиш постларида йўтиб олиняётган «хосия» бундан муастасо. Улар ҳам туғатилди.

...Орта тоғи «Самарқанд -- Урганч» йўналишида қатнаётган автобус Хоразм сарҳадига кириб кетди. Иккала челада мева олиб келиётган йўловчи аёлнинг олдларига боқилари вилот ички ишлар бошқармаси гиёҳвандликка қарши ку-

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Туризм муҳаррират 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир -- Р. Жумасев.
Набатчи -- О. Раҳимов.